

## **АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ ҚАРАШЛАРИДА ИНСОН ВА ЖАМИЯТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ**

**Салимов Бахриддин Лутфуллаевич.**

Тошкент давлат транспорт университети профессори в.б.

**Эргашов Камронбек Қаландарович.**

Тошкент давлат транспорт университети талабаси.

**Исмадияров Отабек Хакимжон ўғли.**

Тошкент давлат транспорт университети талабаси

### **АННОТАЦИЯ**

*Мақолада ижтимоий муносабатлар доирасида Абу Райхон Беруний ўзига хос қарашларни илгари сурганлиги, хусусан, барча нарса-ҳодисаларнинг диалектик ўзгариш ва ҳаракат билан мавжудлиги, ушбу ҳолат табиатдаги сингари жамиятдаги жараёнларга ҳам баб-баровар тегишлилиги, шу билан бирга улар орасида фарқ ҳам борлиги таҳлил этилган.*

**Калит сўзлар:** ўзгариш, ҳаракат, инсон, жамият, бошқарув, хилма-хиллик.

### **АННОТАЦИЯ**

*В статье анализируется тот факт, что Абу Райхан Беруни выдвигал собственные взгляды в рамках общественных отношений, в частности, что все вещи и события существуют с диалектическим изменением и движением, что эта ситуация одинаково актуальна как для процессов в обществе, так и для в природе, и в то же время между ними есть разница.*

**Ключевые слова:** изменение, действие, человек, общество, управление, разнообразие.

### **ABSTRACT**

*The article analyzes the fact that Abu Raykhan Beruni put forward his own views within the framework of social relations, in particular, that all things and events exist with dialectical change and movement, that this situation is equally relevant to the processes in society as well as in nature, and at the same time, there is a difference between them.*

**Key words:** change, action, human, society, management, diversity.

### **КИРИШ**

Таъкидлаш лозимки, барча нарса-ҳодисаларнинг диалектик ўзгариш ва ҳаракат билан мавжудлиги ғоялари Марказий Осиёлик қомусий олим Абу Райхон Беруний асарларида кўп учрайди. Бунга алломанинг «Оқар сув тўхтаб

қолган сув сингари бузилмайди»<sup>1</sup> деган фикри яққол мисол бўла олади. Қайсидир жиҳатлари билан қадимги юнон файласуфи Гераклитнинг «Оқар сувга бир хил тарзда икки марта туша олмайсан»<sup>2</sup> деган хулосасига ҳамоҳанг тарзда айтилган мазкур мулоҳаза табиатдаги сингари жамиятдаги жараёнларга ҳам баб-баравар тегишлидир. Шу билан бирга улар орасида фарқ ҳам бор. Масалан, табиатдаги жараёнлар инсонсиз ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Жамиятда эса инсон бўлмас экан, ундаги жараёнларнинг мавжудлиги имконсиз. Негаки, жамиятнинг тартиб-қоидалари инсон томонидан яратилади ва инсон ушбу тартиб-қоидаларни ўзи хоҳлаган пайтда ўзгартириши мумкин.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Ижтимоий муносабатлар доирасида Абу Райхон Беруний ўзига хос қарашларни илгари сурган, «Мағрибнинг узоқ ўлкаларининг бирида яшайдиганлар ҳақида ҳикоя қилишларича, у ерларда ўлкани идора қилиш аъёнлар ва ер эгалари ўртасида навбатма-навбат бир-бирига ўтиб турармиш, кимга навбат келса, ўша уч ой ҳукм юритармиш. Муддати тугаши билан у ўз-ўзидан ўлкани идора қилиш амалидан тушиб, миннатдорчилик учун садақа берар ва ўз аҳли орасига қайтар, бу билан у гўё кишандан бўшагандай хурсанд бўлар ва ўз иши билан банд бўлар экан»<sup>3</sup>. Олимнинг мазкур қарашлари, бугунги замонавий ижтимоий воқеликнинг муҳим сиёсий қадрияти ҳисобланган демократияга тўла мос келади. Зеро, давлат бошқарувчиларини маълум муддатда алмашиб туриши демократиянинг устувор тамойилларидан биридир.

Айтиш мумкинки, Абу Райхон Беруний жамият бошқарувига оид юқоридаги тартиботни ўз даврида амалга ошишига тўлиқ ишончи комил бўлмаган бўлса керак. Абу Райхон Беруний яхшилик ва ёмонлик инсонлар ҳаёти ва фаолиятининг бошидан охиригача мавжуд бўлишлигини таъкидлаган. Инсоннинг ноахлоқий хатти-ҳаракатлари ва инсонийликка номуносиб ишлари ўзи ҳақида салбий хулосалар чиқарилишини кўрсатиб ўтган. Берунийнинг қуйидаги ибораси фикримизнинг яққол исботидир: «Одамлар турмуш-ҳаётда ҳар хил ҳолатларда бўладилар. Буларнинг бир тури билан улар мақталадилар,

<sup>1</sup> Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

<sup>2</sup> Lutfullaevich, S. B. (2021). The views of philosophical analysis of ancient greek scholaks on social relations. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 2(07), 94-101.

<sup>3</sup> Salimov, Bakhriddin Lutfullaevich (2023). OPINIONS OF CENTRAL ASIAN SCHOLARS ON SOCIAL RELATIONS. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3 (1-2), 178-182.

бошқаси билан эса қораланадилар»<sup>4</sup>. Дарҳақиқат, шундай. Элпарвар, ҳалол ва адолатли бўлиб, эзгулик ва бунёдкорлик йўлида хизмат қилганлар доимо халқнинг олқиш ва мактовларига сазовор бўлиб юрадилар. Аксинча, ўз шахсий манфаатини устун қўядиган, худбин, эгоист бўлиб, ёвузлик ва вайронкорлик йўлини тутганлар эса халқнинг ғазаб ва нафратига дучор бўладилар. Зотан кўхна тарихдан, қолаверса бугунги замон воқеликларидан бундай ҳолатларга нисбатан кўплаб мисолларни кўришимиз мумкин.

Тўғри, инсон жонзотлар ичида энг юксаги ҳисобланади. Бошқа жонзотларда йўқ кўплаб илоҳий неъматлар ва қобилиятлар фақат унгагина ато этилган. Ижтимоий муносабатларнинг вужудга келиши ҳамда мавжуд бўлиши инсоннинг ақл-идроки, билим ва меҳнатининг самараси натижасидир. Инсон онгли фаолияти туфайли чорвачилик, деҳқончилик, хунармандчилик, савдогарчилик каби одамлар моддий-маиший турмуш тарзини яхшилашга хизмат қиладиган машғулотлар ва улар асосида кўплаб касб-хунарлар пайдо бўлган, кўркамликда тенгсиз ва бир-бирига ўхшаши йўқ қатор меъморий иншоатлар қурилган ва ҳоқозо. Лекин, минг афсуски юқорида санаб ўтилганлар баъзан инсоннинг ўзи томонидан барбод этилган. Чунки, биз ҳар қанча улуғламайлик, «инсон ўз табиатида бир-бирига қарама-қарши...қоришмалардан таркиб топган бадан эгасидир»<sup>5</sup>.

Абу Райхон Беруний ижтимоий муносабатларни таҳлил этар экан, жамиятда яшовчи одамларнинг дунёқарашлари ҳар хил бўлиши мумкинлигини таъкидлайди: «Ҳар бир халқдаги юқори табақа билан авом халқнинг эътиқоди бир-биридан бошқача бўлади...Айниқса, у табақаларнинг фикр ва иродалари турлича бўлиб, бир-бирига мувофиқлашмайдиган нарсалар устида бир-биридан бошқароқ бўлади»<sup>6</sup>. Айтиш мумкинки, бу фикр нафақат Беруний замонасида долзарб бўлган, балки ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Чунки, бугунги кун ижтимоий муносабатларини ҳаракатга келтирувчи бир қатор ижтимоий қатламлар, гуруҳлар ва синфлар мавжуд. Жумладан, жамиятда кексалар, ўрта ёшлилар, ёшлар ва вояга етмаганлар бўлиб, улар орасида ўқувчилар, талабалар, пенсионерлар, турли касб-хунар эгалари, давлат идоралари ва нодавлат ташкилотларда ишловчилар, шунинг баробарида ишсизлар ҳам бор. Уларнинг ижтимоий аҳволлари ҳар хил бўлиб, моддий-маиший турмуш тарзлари ҳам

<sup>4</sup> Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The philosophical role of dialectical categories in human life. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 1, Issue 6, 2021. -P.406-410.

<sup>5</sup> Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

<sup>6</sup> Салимов Бахриддин Лутфуллаевич (2020). ФИЛОСОФСКОЕ РОЛЬ ДИАЛЕКТИЧЕСКИХ КАТЕГОРИЙ В ЖИЗНИ ЧЕЛОВЕКА. Историческая психология и социология истории, 13 (1), 111-119.

турличадир. Шундай экан, жамиятда яшовчи инсонларнинг дунёқарашларини бир хил бўлмаслиги табиий хол. Масалан, ўзига тўқ оилада вояга етиб, олий ўқув юртини тамомлаб катта дарромадга эга давлат ишида ишлайдиган ёки ўз бизнесига эга бўлганлар билан оғир моддий етишмовчилик муҳитида вояга етган, шу сабаб олий маълумот ҳам ололмаган, айти пайтларда чет давлатларда қийин шароитларда, ёлланиб меҳнат қилаётган ватандошларимизнинг ҳаётга бўлган муносабатлари, фикрлаш ва дунёқарашларининг бир хил бўлмаслиги аниқ. Уларни бир хил фикрлатишнинг иложи ҳам, имкони ҳам йўқдир. Бу ўринда юксалишни кўзлаган жамият, ўзининг барча тоифадаги аъзоларининг қизиқиш ва манфаатларини инобатга олиши шарт. Акс ҳолда ижтимоий муносабатларнинг субъекти бўлган одамлар «Ораларида душманлик, бир-бирини кўролмаслик ва нафсоният пайдо бўлиб, ниҳоят бу бетинчликлар, урушлар ва бошқа ёмонлик ҳамда кўнгилсизликларга сабаб бўлади»<sup>7</sup>.

Абу Райхон Беруний ижтимоий муносабатларда ахлоқийлик ва илмнинг ўзига хос ўрни борлигини ҳам эътироф этади. Аксинча, ноахлоқийлик ҳукм сурган жойда ижтимоий муносабатлар доирасида ижобий ўзгаришлар бўлиши ҳақиқатдан йироқдир. Зотан ноахлоқийлик азал-азалдан кишилик жамияти ривожини орқага тортиб келган. Инсоният онгли мавжудот фаолият кўрсатаётган пайтдан бошлаб ноахлоқийлик билан курашиб келади. Бу курашда баъзан ғолиб чиққан бўлса, баъзан мағлуб ҳам бўлган. Шунда жамиятда ёлғон, фиску-фасод, макр, хиёнат каби салбий иллатлар авж олган. Ачинарлиси, жамиятдаги баъзи инсонлар ана шу ноахлоқий иллатлар таъсирига тушиб қолганликларини ўзлари ҳам сезмай қолганлар. Негаки, «Ёлғончилик кишини адолатдан юз ўгиртиради; зулм, ёлғон гувоҳлик, омонатга хиёнат қилиш, бошқалар мулкларини хийла билан босиб олиш, ўғрилик дунё ва халқнинг бузилишига сабаб бўладиган бошқа ёмон хулқларни кишига яхши қилиб кўрсатади».

Ноахлоқийлик ижтимоий муносабатларга дарз келтиради, ахлоқийлик эса ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлайди. Ахлоқий фазилатларни юксалтиришдан ва шу йўл билан инсониятга муносиб ҳаёт тарзини яратиб беришдан иборатдир. Берунийнинг ўзи бу борада шундай ёзади: «Яхши ахлоқли бўлиш билан бирга, дунё топишга юз ўгирган киши топган нарсасини хайру эҳсон қилади, бу дунёдаёқ мукофот олади, мақсад ва истагига эришади,

<sup>7</sup> Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

дунёда бахтли бўлиб юради»<sup>8</sup>. Бахтнинг ўзи нима? Бу борада турлича хулосалар бўлиши мумкин. Чунки, ҳамма бахтни ҳар хил тушунади.

### **ХУЛОСА**

Бизнинг назаримизда, бахт бу инсоннинг ўзи истагандай умр кечириши, қалбига яқин умр йўлдоши билан яшаши, ўзига ёққан касб-хунар билан шуғулланиши, меҳнатига яраша юқори ҳақ олиши, моддий жиҳатдан тўлиқ таъминланиб муносиб турмуш тарзига эга бўлиши, юксак маънавий қадриятлар асносида шаклланган оиласи кучоғида ва унга юқорида санаб ўтилган шарт-шароитларни таъминлаб бера оладиган жамият бағрида тинч-осойишта, тўкин-сочинликда ҳаёт кечиришидир. Ноахлоқий иллатлар илмсизлик ва билимсизлик натижасида келиб чиқади ва авж олади. Илм ва билим орқали эса ноахлоқий иллатларнинг илдизига болта урилади. Чунки, илмли ва билимли инсон яхши ва ёмонни фарқига боради, ахлоқий фазилатларнинг ўзининг ва жамият ҳаётининг юксалиши учун муҳим эканлигини тушуниб етади ва уни қарор топтириш учун бор имкониятларини ишга солади. Хулоса қилиб айтганда, «Илм поклиги бошқа ҳамма нарсанинг поклигидан юқори туради; чунки, билимсизлик илм орқали кўпорилади, азоб ва уқубат моддаси бўлган шак-шубҳа ўрнига илм натижасида аниқлик келади».

### **REFERENCES**

1. Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.
2. Lutfullaevich, S. B. (2021). The views of philosophical analysis of ancient greek scholars on social relations. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(07), 94-101.
3. Лутфуллаевич, С. Б. (2020). Философская роль диалектических категорий в жизни человека. *Историческая психология и социология истории*, 13(1), 111-119.
4. Salimov, B. L. (2023). OPINIONS OF CENTRAL ASIAN SCHOLARS ON SOCIAL RELATIONS. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(1-2), 178-182.
5. Salimov, B. L. (2021). The philosophical role of dialectical categories in human life. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(6), 406-410.

<sup>8</sup> Салимов Бахриддин Лутфуллаевич (2020). ФИЛОСОФСКОЕ РОЛЬ ДИАЛЕКТИЧЕСКИХ КАТЕГОРИЙ В ЖИЗНИ ЧЕЛОВЕКА. *Историческая психология и социология истории*, 13 (1), 111-119.